

Лобар БАРАТОВА

МЕН ОРЗУМАН


(Шеърлар)

Қарши
«Насаф» нашриёти
2007

84(5y)6

Лобар Баратова ҳали жуда ёш. У кўнгил кечинмаларини қоғозга туширибди ва сизга тақдим этишга журъат қилибди, азиз шеърхон! Умид қиласизки, бу машқлар келгусида уни адабиётнинг катта йўлларига етакласа...

TO 34445
O



Б 4702620202-48 48-2007 Л.Баратова, 2007 й.
376(10)2007

ISBN 5-7323-0519-9

ИСТИҚЛОЛ

Истиқлоннинг шамоли эсмоқдадир дилларда,
Үлкамнинг одамлари яшайдилар шодумон.
Ҳилпирайди байроби баланд тутган қўлларда,
Хизматингга биз тайёр Она-Ватан ҳар қачон.

Бу кунларни аждодлар қанча орзу қилмади,
Озодлик-чун жон фидо қилди қанча ўғлони.
Юртбошимиз мард, оқил, чекинишни билмади,
Шу боис мустаҳкамдир энди юртнинг қўрғони.

Ўн олти йил тўлибди истиқлоннинг ёшига,
Қилинган ишларга бок, татир аср ёшига.
Мехрим бердим осмони, ҳам еру қуёшига,
Қандай ўзим отмайин шундай юрт қучогига.

Мангу бўлсин озодлик, мангу бўлсин ҳурлигинг,
Юртбошимиз барчани тўғри йўлга бошлагай.
Боши баланд, қадди тик, ҳар нияти холиснинг,
Юрт деб ёнган ҳар бирини Оллоҳ ўзи қўллагай.

ВАТАНГА

Сени ардоқлайман, севаман,
Хатто ортиқ күраман ўздан.
Қучоғингда мангу гуллайман,
Кечолмайман бундай туйғудан.

Үтмишингни мен ҳам биламан,
Бобом сўзлаб берган улардан.
Улар биз-чун туюлар эртак,
Заҳматини кимлардир тотган.

Аммо бу кун ёруғдир олам,
Атрофда-чи баҳтиёр барча.
Ундан тўйиб сипкора олсам,
Баҳтлидурман шу Ватан ичра.

ЎЗБЕК

Дўсти деган сўзни тутади маҳкам,
Оғзи куйганда ҳам, куймаганда ҳам.
Шундай феъли учун бўлмагайдир кам,
Асли ўзи ўзбек шундай яралган.

Тўрига чиққанда қари-қартаси,
Хизматда бўлади барча-барчаси.
Шудир қадриятнинг олий чашмаси,
Асли ўзи ўзбек шундай яралган.

ЎЗБЕКНИНГ БОЛАСИ

Бир парча гўшт эди, илк бор кўрганда,
Бир парча матога ўралган эди.
Ота-онасига баҳт берган ўша,
Бобосига тойчоқ бўлади энди.

Ойлар, йиллар энди шамолдай ўтар,
Илк қадамин ташлар ўша болакай.
Ота-онасига қувонч улашар,
Бугун улғаймоқда ўша ширинтой.

У улғайиб бир кун камолга етар,
Ватан равнақига хизматлар қиласар.
Унинг доим содик фарзанди бўлар,
Она алласидан улғайган куни.

ПРЕЗИДЕНТГА

Бошимиз узра баҳт қуши -
Юртбошимиз бор бўлсин.
Доим ўнг бўлсин иши,
Бизга қалқон, тоғ бўлсин.

Осмонни тинч сақлаймиз,
Довюрак аскар каби.
Юрт фарзандин асройсиз,
Мехрибон падар каби.

Биз ёшларга меҳрибон,
Фамхўр раҳнамодирсиз.
Юртга муносиб сарбон,
Энг буюк паноҳдирсиз.

ВАТАН

Бу Ватаннинг мадҳиясидир,
Куйлай ғурур ҳиссини түйиб.
Байроқ эркнинг тантанасидир,
Жой берганман кўксимдан ўйиб.

Айтиб берай эртагу достон,
Улар менинг бобомдан мерос.
Унда яшар эзгулик омон,
Яхшилиги юрагимга хос.

Аждодларнинг ори, ғурури,
Ҳамроҳимдир ҳаёт йўлимда.
Бахтлидурман ҳаёт сурори,
Ором берар Ватан кўйнида.

ЮРТИМ

Яшашга ўргатган ўзингсан, шукур,
Мехрга ўралган сўзимсан, шукр.
Кечмадим ўзлигим-ўзимдан, шукр,
Қутлуғ шукронага дилим боғлайман.

Ўргилай минг режа тузганларингдан,
Йилда бир тўй қилиб тўзганларингдан.
Рамазонга тилак тизганларингдан,
Қутлуғ шукронага дилим боғлайман.

Ўйғонади руҳим сени ўиласам,
Минг жоним йўлингга фидо айласам.
Минг бир ҳалқ ичида ўзинг сайласам,
Қутлуғ шукронага дилим боғлайман.

МЕН ОРЗУМАН

Мен ҳозирча жилғаман,
Шошиб-шошиб оқаман.
Бир кун худо хоҳласа,
Денгизимни топаман.

Мен ҳозирча орзуман,
Мақсадга интиламан.
Үзлигимни топиш-чун,
Еламан-югурман.

Мен ҳозирча булатман,
Осмонимда сузаман.
Ёмғир бўлиб қофозга,
Юрагимни ёзаман.

УСТОЗЛАРИМ

Устозларим, мен сизнинг,
Юрагингиз бўлагидирман.
Кўнглингизда орзунинг,
Беғубор тилагидирман.

Озгина оқлай олсам,
Умиду тилагингиз.
Қаршингизда бош эгсам,
Оқласам ишончингиз.

Фахрлансангиз мендан,
Шогирд, деб олсангиз тан.
Сиз улашган илм-зиёдан,
Яшнаб кетса шу-Ватан.

ОНА

Мехрибон, тилаклари -
Осмоним онам.
Күзларим гавҳари -
Қарогим онам.

Она-муқаддасдир,
Фарзандларга бош.
Она – бу кўздаги,
Бир парча қуёш.

АЁЛ

Аёл заифадир, бир ожизадир,
Асли аёлликнинг зийнати шундай.
Аёл она, аёл бека, бир фариштадир,
Гулга айланмоғи мумкин бир зумда.

Сув бўлиб оқар у ташна ҳисларга,
Совуқ нигоҳларга нурлар беражак.
Унмоқ истасангиз фалакдир аёл,
Унмоқ истасангиз заминдир бешак.

ЎЗБЕГИМНИНГ ДЕҲҚОНИ

Чарчаш нима билмайди,
Эрта тонгдан тинмайди.
Даласини тарошлар,
Мўл ҳосил-чун бош қашлар,
Ўзбегимнинг дехқони.

Олтин буғдой далани,
Олпоқ пахта толани.
Яратгунча тинмайдир,
Сўнгра машхур бўлгайдир.
Ўзбегимнинг дехқони.

Ахир баҳти шундан-да,
Ҳосил бўлса хирмонда.
Кўнгил қолмас армонда,
Бойиб кетар шу онда.
Ўзбегимнинг дехқони.

Даласидан нонини,
Топар шавкат-шонини.
Обод қиласар уйини,
Ўқитиб ўғил-қизни.
Ўзбегимнинг дехқони.

НАВРҮЗ

Наврүз билан келади шодлик,
Наврүз билан элда ободлик.
Наврүз келса гуллайди боғлар,
Наврүз келгач яшнайди тоғлар.

Неъматларга тўла дастурхон,
Жой олади ундан турфа нон.
Куёш каби иситар дилни,
Мактоби-чи сўзлатар тилни.

Кўк сомсадан қувонади кўз,
Чучварага тополмасман сўз.
Наврўз ҳақда қанча сўзласак,
Камлик қиласар қанча куйласак.

БОЛАЛИК

Болалик. Осмонинг бунча мусаффио,
Бирам беғуборки, кўринмас булут.
Сен билан бир умр қолсайдим қани,
Бағрингда ғам йироқ, қайғулар унут.

Юлдузлар сехрли ёғду сочади,
Эртакка ўхшайди тонглар, оқшомлар.
Тўрт фасл баробар шодликка тўла,
Хар кунинг бир ҳадя, илиқ инъомлар.

МЕХР

Мехр бор жойда-ки саховат бордир,
Унга қўл чўзганга худо ҳам ёрдир.
Мехр бу кўнгилнинг дуру гавхари,
Пок инсон юради саховат сари.

Мехр бу кўнгилнинг қайноқ булоғи,
Саховатли қалблар сўнмас чироғи.
Мехр бир бойликки пулга ўлчанмас,
Мехр улкан дарё, меҳр туганмас.

ТИНЧЛИК

Куёшни бағрига босиб,,
Ўтар тун пар кўрпасига.
Уйқуга оҳ қонгач тўйиб,
Мўралар тонг шарпасига.

Одамларни ишга чорлаб,
Ёритади тонг кўксини.
Кулоғидан тортқилаб,
Бўй чўэдирап майса-ўтни.

Тонг билан бошланар меҳнат,
Кўшиқ-алёр баҳамжиҳат.
Куёш кулиб балқар абад,
Тинчлик сабаб, тинчлик абад.

КАПАЛАК

Мовий гүзәлликка ажал чанг солди,
Уни күп күрди гул баргыда фалак.
Бечора ўзини тутолмай қолди,
Охиста жон таслим қилди капалак.

Тинди чаманзорда товланган ўлан,
Алвон гуллар аза очди bemажол.
Капалакни нафис вужуди билан,
Тош йўлга супуриб ташлади шамол.

О, жонсиз капалак жони узилгай,
Гардунда бехуда нола чекурман.
Ки одамга қандай меҳр кўргузгай,
Капалакка шафқат қилмаган ажал.

ШУКРОНА

Яна бир тонг отди, мусаффо тенгсиз,
Илоҳим шу кун ҳам шодликка тўлсин.
Ният ҳосил бўлса насиба чексиз,
Оллоҳга шукронга тилингда бўлсин.

Гоҳида омадинг боқмаса кулиб,
Паймонанг кетсада жомидан тўлиб.
Бу синовларни енг мардона туриб,
Оллоҳга шукронга тилингда бўлсин.

Падаринг, волиданг бўлишса омон,
Дўстларинг борлиги дардингга дармон.
Ахир бу кунлар ҳам кимгадир армон,
Оллоҳга шукронга тилингда бўлсин.

САХОВАТ

Аста кетаяпсан күчадан юриб,
Бир нихол эгилиб турганин күрдинг.
Унинг яشاши-чун тиргович қўйиб,
Бу билан кўп яхши савоб иш қилдинг.

Кун келар иқболинг кулиб, чараклар,
Кўнглингни тўлдирап шодлик ва сурур.
Недир ҳаётингга мазмун баҳш этар,
Билсанг бу савобинг жавоби эрур.

КАМТАРЛИК

Манманга ҳамиша ҳамроҳдир завол,
Камтарга ёр бўлгай доимо камол.
Зеб берар инсонга сабру қаноат,
Манманлик жавоби келтирап кулфат.

Агар сен ўзингга бино қўймасанг,
Яхшиликни сира канда қилмасанг.
Мўмин-мискинларни доим қўлласанг,
Оллоҳ саодати ёр бўлгай сенга.

САЛОМ МАКТАБ!

Сентябрь тонгини интиқлик билан,
Қаршилаб, мактаб бағрига қайтдик.
Күлимизда даста ғужғон гул билан,
Софинчимиз бийрон тилларда айтдик.

Бизга илм бериб чарчамас устоз,
Хатто китоблар ҳам маҳтал кутибди.
Уни варакласак, ўргансак оз-оз,
Шунчалик фикримиз теран бўлибди.

Нақадар бахтли ва тахтли ёшлармиз,
Бошимизга Ҳумо қуши қўнибди.
Замондан миннатдор ниҳол, ғунчамиз,
Тақдир истиқлолга тўқнаш қилибди.

ҚИШЛОҚ

Қишлоқ деса ажиб мунгли наводан,
Бир куй тинглагандек бўлавераман.
Дуд хиди анқиган тандир-ўчоқдан,
Минг бора ўргилиб юравераман.

ТҮН

Борлиқ туннинг қучоғида маст,
Шамол өлар супа ишкомда.
Рақс тушади япроқлар сармаст,
Шамол қўшиқ қуйлаган шомда.

МУНДАРИЖА

Истиқлол.....	3
Ватанга.....	4
Ўзбек.....	4
Ўзбекнинг боласи.....	5
Президентга.....	5
Ватан.....	6
Юртим.....	6
Мен орзуман.....	7
Устозларим.....	7
Она.....	8
Аёл.....	8
Ўзбегимнинг дәхқони.....	9
Наврӯз.....	10
Болалик.....	10
Мехр.....	11
Тинчлик.....	11
Капалак.....	12
Шукрана.....	12
Саховат.....	13
Камтарлик.....	13
Салом мактаб.....	14
Қишлоқ.....	14
Түн.....	14

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШР

ЛОБАР БАРАТОВА

МЕН ОРЗУМАН

(Шеърлар)

Ўзбек тилида

Муҳаррир: Г.Хўжаева.

Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусаҳҳиҳ: Г. Бердимуродова.

Бадиий безакчи: Ж.Норқобилов.

ИБ 1118

Теришга 15.10. 2007 йилда берилди. Босишга 19.10.2007
йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Шартли босма та-
боги- 0,84. Шартли бўёқ- отт. 0,90. Нашр босма табоги 0,64.
61- 2007-шартнома. 88-буортма. 100 нусхада. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 180118. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ
кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳузу-
ридаги «Матбаа цехи»да чоп этилди.

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22 ўй.